

№ 8 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Воҳидова Комила Абдуллозизовна</i>	
“ЭЛ БАЙРОФИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА	11-17
<i>Сулайманов Саламат Арапбаевич</i>	
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ)	18-24
<i>Raupov Холмамат</i>	
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ	25-32
<i>Мажидов Анвар Сиражович</i>	
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)	33-40
<i>Begamatova Nasiba Xolmurzayevna</i>	
FERMER XO'JALIKLARI VA KLASTER TIZIMI UCHUN O'RTA MA'LUMOTLI MUTAXASSISLARNI TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI MISOLIDA)	41-48
<i>Алланазаров Мурот Мирзаевич</i>	
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА	49-54
<i>Ismoilova Feruza Ibragimovna</i>	
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI XIZMATLARI	55-59
<i>Tursunov Xurshid Nasriddinovich</i>	
O'ZBEKİSTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI	60-64

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Yuldasheva Gulnoza Abdinabiyevna</i>	
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF ENTERPRISES	65-70
<i>Oromidinov Muzaffar Pardabayevich</i>	
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS	71-75
<i>Худайназарова Дилором Хайруллаевна</i>	
ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	76-84

<i>To'lakov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i>	
КО'ЧХМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА ХОРИЙИ ДАВЛАТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОХОТЛАР	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i>	
МИНТАҚАДА ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН САМАРАЛИ РИВОЈЛАНТИРИШ ЙО'НАЛИШЛАРИ	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i>	
МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i>	
AGRAR SOHAGA XORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i>	
МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Гаффор Аллақулович</i>	
ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	138-150
<i>Мамадиёрөв Олимжон Умаровиҷ</i>	
ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ	151-158
<i>Раббимов Жаҳонгир Эшбоевиҷ</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназаровиҷ</i>	
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	165-174

<i>Гадоев Сўҳроб Жумакулович</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	175-181
<i>Бекжанов Дилмурад Йўлдашович</i>	
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ	182-193
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Boydadayev Abdurroxmon Tolibjon o'g'li</i>	
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA)	194-200
<i>Xayridinov Abbosxon Anvarovich</i>	
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLİSHDA MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI	201-205
<i>Quramboev Alisher Maxsudovich</i>	
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOIY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI	206-211
<i>Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich</i>	
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR MAQSADI	212-217
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i>	
ILMIY BAHS FENOMENINING MANTIQIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV	218-224
<i>Пардаева Марҳабо Давлатовна</i>	
АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ ФОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ	225-233
<i>Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich</i>	
NIKOH MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI	234-240
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i>	
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR	241-246
<i>Юсупова Феруза Зойировна</i>	
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАҶНАВИЙ ЮҚСАЛИШИННИГ МЕЗОНИ	247-251
<i>Teshaboev Muhiddin Marifovich</i>	
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI	252-257

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Soatova Nodira Isomitdinovna</i>	
LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI	258-265
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i>	
FRAZEOLOGIK BIRLIKLER LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA	266-269
<i>Yusupova Omina Muhammadzoir kizi</i>	
DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE	270-276
<i>Бозорова Хулкар Одинақуловна</i>	
РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ	277-282
<i>Matyakubov Oybek Quralbayevich</i>	
KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI	283-288
<i>Фатуллаева Камола Рахматуллаевна</i>	
ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ	289-293
<i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna</i>	
O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI	294-299
<i>Xamzayev Otaxon Erkinovich</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA TAHLILI	300-305

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Абдурахманова Нодирахон</i>	
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ	306-310
<i>Сафоева Садокат Мусоевна</i>	
ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА	311-320
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i>	
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ	321-330

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Zoirova Lola Xamidovna</i>	
TIBBIYOT OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA “INSON ORGANIZMINING RADIATSİYAGA SEZGİRLİĞİ” MAVZUSINI O'QTİSHDA RAQAMLI TEKNOLOGİYALARDAN	

FOYDALANISH	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloyevich</i>	
KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA)	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i>	
YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i>	
ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджоновна</i>	
ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i>	
INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH	362-368
<i>Raxmatova Mexrinoz Majitovna</i>	
YOSHLAR MA'NAVIY SALOHIYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i>	
ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i>	
KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i>	
EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i>	
KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHА SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQIY TAHLILI	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i>	
MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i>	
XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i>	
METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i>	
SPORT TO'GARAKLARI ORQALI TALABALARING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i>	
DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD	434-441
<i>G'ofurov Azizbek Umarjonovich</i>	
BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O'QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i>	
BO'LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i>	
INGLIZ TILINI O'RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i>	
PROFESSIONAL TA'LIM YO'NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O'QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH	461-469

12.00.00-Юридик фанлари

Абдуллаева Маликабону Эркин қизи
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни муҳофаза
қилиш академияси таянч докторанти

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИННИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада халқ таълими соҳасида коррупциянинг олдини олиш бўйича айрим хорижий давлатларнинг тажрибаси қиёсий ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақолада ривожланган хорижий мамлакатлар олимларининг мазкур мавзуга оид илмий қарашлари ҳамда фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, уларга нисбатан мувалифлик қарашлари билдирилган. Шунингдек, амалга оширилган тадқиқот натижасига кўра илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: коррупция, таълим, халқ таълими, мактаб, хорижий тажриба, ҳалоллик дўкони.

Abdullaeva Malikabonu Erkin kizi
Doctoral student at the Academy of Law
Enforcement of the Republic of Uzbekistan

ANALYSIS OF CORRUPTION FACTORS ASSOCIATED WITH ADMINISTRATIVE MANAGEMENT AND LABOR RELATIONS IN EDUCATION

Abstract. In this article, the experience of some foreign countries in preventing corruption in the field of public education is analyzed from a comparative legal point of view. The article examines the scientific views and opinions of scientists from developed foreign countries on this topic, and expresses the author's views on them. Also, based on the results of the research, scientific conclusions were drawn up.

Keywords: corruption, education, public education, school, foreign experience, honesty shop.

Абдуллаева Маликабону Свободная дочь
Докторант Академии правоохранительных
органов Республики Узбекистан

АНАЛИЗ КОРРУПЦОГЕННЫХ ФАКТОРОВ, СВЯЗАННЫХ С АДМИНИСТРАТИВНЫМ УПРАВЛЕНИЕМ И ТРУДОВЫМИ ОТНОШЕНИЯМИ В ОБРАЗОВАНИИ

Аннотация. В данной статье с сравнительно-правовой точки зрения анализируется опыт некоторых зарубежных стран по предупреждению коррупции в сфере народного образования. В статье рассматриваются научные взгляды и мнения ученых развитых зарубежных стран по данной теме, а также выражается авторская точка зрения на них. Также по результатам исследования были составлены научные выводы.

Ключевые слова: коррупция, образование, народное образование, школа, зарубежный опыт, лавка честности.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N46>

Кириш. Бугунги кунда ҳар бир соҳада ислоҳотларни амалга ошириш учун ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уларни қиёсий таҳлил этиш исҳолатларни амалга оширишда устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар қандай институт ёки хорижий давлатлар илғор амалиётини миллий ҳуқуқ тизимиға жорий этишда давлатнинг миллий ҳусусиятлари ва шароитларини, ҳалқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ўрганиш ва уларни эътиборга олиш талаб этилади. Бундан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳам мустасно эмас.

Шунга кўра, ҳалқ таълими соҳасида коррупциянинг олдини олиш механизмларини янада такомиллаштиришда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини тадқиқ этиш, уларнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳалқ таълими соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш Тараққиёт стратегиясининг асосий мақсадларидан (84-мақсад) бири сифатида белгиланди. Бунда, Тараққиёт стратегиясида коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш белгиланган. Ушбу превентив чораларни жорий этиш учун ҳам хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш орқали амалга оширилади.

Шундай экан, ушбу мавзу бўйича тегишли хорижий тажрибани ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш муҳимдир. Ш.Мирзиёев қайд этганидек, ҳар бир соҳада доимий изланишда бўлишимиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилишимиз лозим[17]. Давлат раҳбарининг мазкур фикри жуда ҳам ўринли бўлиб, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчилик ва амалиётимизга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ва синалган асосида мамлакатимизда барча соҳаларда, шу жумладан ҳалқ таълими соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашиш ҳозирги шароитда ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. С.Н. Гордеев тўғри қайд этганидек, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш миллий тизимдаги соҳаларнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлашга ёрдам беради [14; Б. 141].

Коррупцияга қарши курашища айрим мамлакатлар (Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Корея Республикаси, Сингапур, Япония ва б.) катта ютуқларга эришган. Мазкур мамлакат ҳукуматлари томонидан коррупциянинг миллий хавфсизликка таҳдид солувчи жиддий муаммо сифатида эътироф этилиши, ушбу давлатларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш фаолиятининг асосий ҳусусияти ҳисобланади.

Муҳокама. Швеция нафақат Европадаги, балки бутун дунёда коррупция даражаси энг паст бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Чунки ушбу давлатда болаларнинг онгига ёшлигидан бошлаб ҳалоллик руҳияти сингдирилади. Transparency International" ҳалқаро рейтингининг "Corruption Perceptions Index 2022" индексида 180 та давлат

орасида 5-ўринни (100 баллик тизимда 83 балл билан) эгаллаб тургани ҳам коррупция даражаси жуда паст эканлиги кўрсатиб турибди.

Шунингдек, Швеция таълим тизими давлат бошқарувида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашда муваффақиятнинг асосий омили ҳисобланади Бунда, асосий рольни мактаблар бажариб, уларда бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади [19; Б. 68].

Швеция мактабларида болаларга таълим беришда швед халқининг қадриятлари ва швед ахлоқининг асосий тамойиллари ўргатилади. Булар мактаб таълимининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Хусусан, болаларнинг дунёқарашида ҳалоллик, катталарни хурмат қилиш, жумладан, ота-оналарга бўлган меҳр-оқибатли бўлиш швед халқининг барқарор қадриятлари ҳисоблади.

Мактабларда болаларга швед жамиятида ёшлиқдан сингдирилган швед ахлоқининг асосий тамойиллари (муваффақиятга эришиш ва фойда топишда ҳалоллик ва меҳнатсеварлик бўлиш, доимий тежамкорлик ва хушёрлик, мунтазам изланишда бўлиш ва касбий ўсишга доимий интилиш, ҳар бир ишда маъсулиятли ва ташаббускор бўлиш) ўргатилади.

Касбий фаолиятдаги бурчни бажариш масаласи Швецияда инсон ахлоқий ҳаётининг энг юқори вазифаси сифатида қаралади. Болаларга ёшлигидан бошлаб, одамларга эса ҳар доим шартномаларга риоя қилиш, қарз ва тўловларини ўз вақтида амалга ошириш, ҳар доим ҳалол бўлиш кераклиги, пора бериш ва олишдан бутунлай қочиши, энг муҳими порахўрлик жамиятда умуман бўлмаслиги лозимлиги ўргатилади [15; Б. 302].

Швеция мактаб таълимида коррупцияга қарши курашишнинг яна бир жиҳати шундан иборатки, болаларга уларнинг teng ҳуқуқлилиги мактаблардан бошлаб ўргатилади ва барча учун teng имкониятлар яратилган.

Масалан, ишга қабул қилишни оладиган бўлсак, Швецияда номзодларни ишга қабул қилишда меритократияга йўл қуйилмайди, яъни номзоднинг келиб чиқиши ёки молиявий ҳолати ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Таълим тизимида эса, номзодларни ишга қабул қилишда, биринчи навбатда, уларнинг қобилият ва малакаларини баҳолашга асосланган тизим яратилган [16].

Шунингдек, Швеция таълим тизимининг яна бир жиҳати болаларни мактабга қабул қилиш ва уларнинг билимини баҳолашда намоён бўлади.

Хусусан, Швеция мактаб таълимида болаларни мактабга қабул қилиш ва уларнинг билимларини баҳолаш жараёнларининг автоматлаштирилганлиги таълим тизимида коррупциянинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Бунда, таълим муассасасига қабул қилиш учун ягона электрон ҳужжат топшириш тизими (барча таълим тизимида мазкур амалиёт қўлланилади) яратилган бўлиб, берилган аризалар битта веб-сайтда тўпланади ҳамда улар тегишлилиги бўйича таълим муассасаларига юборилади.

Мактабларда болаларнинг ёзма тестларни баҳолашнинг холислигини таъминлаш мақсадида ўқитувчилар томонидан ҳужжатлар рақамлаштирилган ҳолда бўлади ва ёзма ишлар автоматик равишда идентификация кодлари бериш йўли билан шифрланади. Бунда, идентификация кодлари бериш йўли билан шифрланган ишлар автоматик равишда тегишли педагог ходимларга текшириш учун юборилади [12].

Мазкур тизимнинг яратилиши таълим тизимида коррупциянинг олдини олиш билан бир қаторда, боланинг билимини холисона ва адолатли баҳолашга ҳам хизмат қилмоқда.

Япониянинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, барча соҳаларда коррупцияга қарши курашиш механизмларининг доимий равишда такомиллаштирилиб борилиши билан боғлиқ. Бунда, коррупцияга қарши курашишда япон жамиятида таълим энг муҳим рол ўйнайди. Япон халқи учун коррупция энг даҳшатли ёвузликлардан бири ҳисобланади.

Коррупция сўзи япон тилидан “ифлос иш” таржима қилинади. Агар япон кишиси коррупция учун судланган бўлса, бу унинг оиласи учун энг катта шармандалик ҳисобланади [20; Б. 93].

Швеция каби Японида ҳам коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда таълим тизимида ўзига хос тажриба мавжуд. Яъни мактабнинг бошланғич синфларидан бошлаб мактаб ўқувчиларига юксак ахлоқий таълим берилади.

Бунда, мактаб ўқувчиларига ватанни севиш, табиатни асрash-авайлаш, катталарни ҳурмат қилиш, бир-бири билан ўзаро илиқ муносабатда бўлиш каби маънавий фазилатлар ўргатилади [15; Б. 314-315]. Болаларнинг шаклланиш даврида уларга яхши ва ёмон фазилатларнинг тушунтирилиши уларнинг келажақда коррупция ва бошқа салбий иллатларга қарши тура оладиган иродали шахс сифатида этишишларида муҳим ўрин эгаллайди.

Шунингдек, япон жамиятининг юқори даражада ахлоқий тарбиялангани Японияда коррупция даражаси пастлигининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Чунки японлар ёш авлодда ахлоқий фазилатларни тарбиялашга катта эътибор берилади.

Болаларга тўрт ёшлигидан бошлаб яхши нарсани ёмондан ажратишга ўргатилади. Анъанага мувофиқ Япония мактабларида таълимнинг мақсади ўқишдан кўра, кўпроқ тарбияга қаратилган. Сабаби, япон халқи олим бўлишдан кўра яхши одам бўлишни афзал кўришади.

Японияда болага тарбия бериш давлат бошланғич ва ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув дастурида “дотоку кеику”, яъни ахлоқий тарбияни ўргатишга қаратилган аниқ фанлар орқали амалга оширилади [7].

Японида мазкур қўрилган чоралар, таълим ва тарбияга берилган эътибор болаларда жамоада ишлашни биладиган, берилган кўрсатмаларга аниқ амал қиласиган ва атрофдаги инсонларга зарар етказмайдиган жисмоний ва руҳий соғлом инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Сингапур давлати коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида улкан натижаларга эришган давлатлардан бири бўлиб, ушбу давлатда коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишда собиқ бош вазир Ли Куан Ю (1959-1990) ташаббускор шахслардандир. У коррупция ҳақида “жамият узоқ вақт давомида мавжуд бўлиши учун, унда барча қатлам вакиллари ҳалоллик принципига амал қилиши керак, акс ҳолда жамият мавжуд бўла олмайди.

Коррупцияни тўхтатиб қолишда энг осон усууллардан бири бу мансабдор шахсларнинг ўз хоҳишича ҳаракат қилиш имкониятларини камайтиришdir ва таълим ва тарбияга эътибор қаратишdir”, – деган фикрларни билдирган [18; Б. 39]. Ҳозирги

вақтда ушбу мамлакат ер юзида 10 минг киши ҳисобига олимлар кўпчиликни ташкил этадиган (47) беш мамлакат қаторидан жой олган.

Сингапур давлатида умумий таълим тизими уч босқичдан иборат бўлиб, мамлакат маъмурий жиҳатдан тўртта 4 та таълим худудига бўлинган ҳамда ҳар бир худуд 7 та мактаб кластеридан ташкил топган. Ушбу кластерларнинг ҳар бири ўртacha 12-14 бошланғич ва ўрта мактабни ўз ичига олади [4; Б. 342-345]. Сингапур таълим тизимининг тараққий этишида давлат томонидан амалга оширилган ислоҳотлардан ташқари, бошланғич таълимдан бошлаб болалар онгига коррупцияга қарши курашиш руҳиятининг сингдирилиши муҳим омил бўлган. Чунки давлат амалга оширилган ислоҳотларда, биринчи навбатда, коррупциянинг олдини олишга, таълим сиёсатини мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасини оширишга йўналтириш, ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган қатор ислоҳотларни амалга ошириди.

Сингапурда таълим жараёнининг моҳияти болалар миясини турли хил фан билимлари билан тўлдириш эмас, балки ёшларни ҳаётий кўникмалар масъулият, ўзаро ёрдам ҳисси, ишга муҳаббат, қизиқувчанлик, жасорат ва мослашувчанликни шакллантиришга қаратилган [2; Б. 165].

Сингапурда таълим тизимида коррупциянинг олдини олишда бир нечта ижобий жиҳатлар мавжуд.

Аввало, мактабларни молиялаштиришнинг шаффоф тизими яратилган. Бунда, мактабларни молиялаштириш учун давлат томонидан ажратиладиган барча маблағлар ҳамда ўқитиши билан боғлиқ харажатлар мактаб фондига келиб тушади. Кластер раҳбарлари эса, мунтазам равиша оммавий ахборот воситалари орқали келиб тушган маблағларни ва барча харажатларни доимий равиша эълон қилиб боришади. Мазкур механизм орқали ажратилган пулларнинг сарфланишини доимий равиша назорат қилиб бориш ва уларни нотўғри мақсад ва йўналишларда ишлатилиши ва ўзлаштирилишининг олдини олиш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат, ўқитувчилар таркибини танлаш ва уларни ишга қабул қилиш тизимининг мавжудлигидир. Бунда, ўқитувчилар таркибини шакллантиришда коррупциясиз тизим яратилган.

Сингапур Таълим вазирлиги ўрта мактаб битирувчилари орасидан энг иқтидорли ўқитувчиларни ўқитувчилик касби учун танлаб олади. Улар ўқитувчи иш ҳақининг 60 фоизига teng бўлган стипендия олишади ва камида уч йил давомида педагогик билим берилади.

Сингапур мактабларида малакали ўқитувчилар янги келган ўқитувчиларни “шогирдликка”га олиш орқали мураббийлик тизими йўлга қуйилган. Содда қилиб айтганда, “устоз-шогирд” тизими яратилган.

Мактаб таълимида кадрлар захирасини шакллантириш ва уларни танлаб олишнинг ушбу механизми биринчидан, болаларга сифатли таълим беришга, иккинчидан, уларни танлаб олиш ва ишга қабул қилишда коррупциявий ҳолатлар ва таниш-билишчиликларни олдини олишга хизмат қиласди. Сингапурда ўқитувчилар давлат хизматчилари ҳисобланади. Ҳар йили таълим соҳасига тахминан 12,9 миллиард доллар сарфланади. Бу давлат умумий бюджетининг (68,6 миллиард доллар) 18,7% ини

ташкил қиласи. Мамлакатда аҳолининг саводхонлик даражаси 96% ни ташкил қиласи [4; Б. 343].

Мамлакатда ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасида Миллий таълим институти (МТИ) фаолият юритмоқда. Ушбу институтда ўқитувчиларни учта йўналиш бўйича қайта тайёрлаш курслари мавжуд:

- 1) профессионал ўқитувчилик;
- 2) таълим вазирлигига фаолият юритувчи мутахассис;
- 3) мактаб маъмурияти бошлиғи.

Шунингдек, мактаб директорларини танлаб олиш ва лавозимга тайинлашда коррупциядан ҳоли тизим яратилган. Яъни ҳеч бир мактаб директори таниши орқали ёки пул эвазига мактаб директори бўла олмайди.

Мактаб директорлари лавозимига Таълим вазирлиги томонидан тасдиқланиб, сўнг улар Мактаб директорлар академиясида 2 йиллик ўқув дастурида ўқиёди. Ўқув йилининг биринчи йили директорларни етакчилик фазилатларини шакллантириш, иккинчи ўқув йили эса мактабларни бошқаришни ўрганиш учун амалиёт ўташни ўз ичига олади. Бўлажак раҳбарлар хорижий давлатларга 6 ҳафтага стажировкага ҳам юборилади. Хорижга сафар қилиш билан боғлиқ барча харажатлар тўлиқ давлат томонидан қопланади. 2008 йилда Мактаб директорлари Академияси Сингапур таълим вазирлиги билан биргалиқда таълим муассасасининг янги тайинланган раҳбарлар учун “мураббийлик” дастурини ишлаб чиқди. Бу дастурда катта тажрибага эга бўлган раҳбарлар янги тайинланган директорларга мактабларни бошқариш борасидаги маслаҳатлар беришади ва йўл-йўриқлар кўрсатишади [4; Б. 345].

Шунингдек, Сингапурда мактаб директорлари ва директор ўринбосарларини доимий ротация қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Бунда, айни бир шахснинг мазкур лавозимда бўлиш давомийлиги 5-7 йилни ташкил этади[2].

Сингапурда мактабларда ўқувчиларнинг ота-оналари билан фаол ҳамкорлик тизими йўлга қўйилган. Яъни “Ота-она ва мактаб ҳамкорлиги” деб номланган маҳсус дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастур доирасида қўйидаги ишлар амалга оширилади:

- а) ўқувчилар учун қулай шароит яратишда ота-оналарга ёрдам;
- б) мактаб ва ота-оналар ўртасида самарали маълумот алмашиш;
- в) “мактаб-ўқувчи-ота-она” занжири орқали турли хил тадбирлар ҳамкорлиқда ташкил этилади (мактаб нашрлари, ота-оналар иштирокидаги конференциялар);
- г) ота-оналарга ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштирганлиги тўғрисидаги ахборотни, ҳисботларни тақдим этиш;
- д) мактаб қарорларини қабул қилиш жараёнида ота-оналарни жалб қилиш [6; Б. 8]. Бу эса ўз навбатида ўқувчини назорат қилиш имконини беради ва унинг ўқишини яхшилаш учун таъсир ўтказади (“қайта алоқа тизими”).

Айрим муаллифлар тўғри таъкидлаганидек, Корея Республикаси ва Сингапур давлатларининг таълим тизимида коррупцияни заарсизлантириш ва унга қарши курашиш амалиёти Ўзбекистон учун энг фойдали ҳисобланишини қайд этишган. Чунки мазкур давлатларда ҳар бир аҳоли вакили коррупция ва унинг оқибатлари, шахс, жамият ва давлат учун салбий жиҳатлари ҳақида маълумот олишга эгадир [10; Б. 25-26].

Индонезия давлатида ҳам таълим тизимида коррупция қарши курашда ижобий ишлар амалга оширилган.

Хусусан, Миллий таълим вазирининг 2006 йилдаги “Бошланғич ва ўрта таълимни тамомлашда контент ва малака стандартларида таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш миллий таълимнинг бир қисми сифатида белгилаб қуйилган [11]. Индонезияда давлатида Коррупцияга барҳам бериш комиссияси (Komisi Pemberantasan Kognpsi [5]) томонидан мактаб таълими тизимида коррупцияга қарши стратегия ҳам ишлаб чиқилган.

Индонезияда мактаб таълимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда қўйидаги ижобий тажрибаси мавжуд:

биринчидан, коррупцияга қарши кураш бўйича таълим модули (ўкув дастури) ишлаб чиқилган. Ўқувчиларда коррупцияга қарши мустаҳкам хулқ-авторни шакллантириш мақсадида мактабларда ўқувчилар учун коррупцияга қарши таълим дастури доирасида “Коррупцияга қарши таълим” модулини жорий этишган. Бунда, ўқувчилар асосий қадриятлар сифатида тўққизда, яъни ҳалол, меҳнатсевар, интизомли, масъулиятли, жасур, мустақил, содда, адолатли ва ғамхўр бўлиш каби нарсаларни ўрганадилар [11].

иккинчидан, болаларда коррупцияга қарши кучли иммунитетни шакллантириш мақсадида ҳар бир бошланғич мактабда “Ҳалоллик дўкони” (Honesty Shop) ташкил этилган. Ҳалоллик дўкони мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган нарсалар, шу жумладан, ичимликлар сотадиган, сотувчиси бўлмаган дўкондир [8; Б. 445]. Ҳалоллик дўкони орқали ўқувчилар ҳалол бўлишни ўрганадилар. Болалар дўконда мавжуд бўлган нарсаларга қарайдиган ҳеч ким бўлмаса, итоаткор ва содиқ бўлишни ҳам ўрганадилар. Ўрта мактабларда “Ҳалоллик ошхонаси” (Honesty Canteen) ташкил этилган. Бунда, ўқувчилар ошхона дўкондорнинг назоратисиз қолганда, бошқа ўқувчиларнинг огоҳлиги таъсирида нарсаларни тўлов билан сотиб олади. Ушбу ошхонада таъкидланган шиорлардан бири “Худо фаришта ёзувларини кўради (барча ҳаракатларни кўриб турибди).

“Ҳалоллик дўкони” (Honesty Shop) ва “Ҳалоллик ошхонаси” (Honesty Canteen) ўқувчиларнинг одоб-ахлоқини тўғри йўлга қўйишга қаратилган ҳамда коррупцияга қарши таълим соҳасидаги тадбирлардан биридир.

Учинчидан, мактабларда коррупцияга қарши муҳит яратилган. Мактаб коррупцияга қарши қадриятларни ўқувчиларнинг шахсиятига мослаштиришга таъсир қилувчи муҳитлардан биридир. Мактаб раҳбариюти томонидан коррупцияга қарши курашнинг ижобий моделланиши кутилаётган коррупцияга қарши қадриятлар муносабати ва хатти-ҳаракатларини ривожлантиришнинг самарали воситаси сифатида мактаб маъмурияти ходимлари ва ўқитувчиларини яхши моделлаштиришни ўз ичига олади.

Мактаб бошқарувида коррупцияга қарши хулқ-автор ва муносабат моделини шакллантириш ҳалол, меҳнатсевар, интизомли, жасур, масъулиятли, мустақил, содда, адолатли, эҳтиёткор, очиқ ва шаффоф каби қадриятлардан иборатдир. Бу “Pancasila” принципи деб номланиб, Индонезия жамиятида олдиндан мавжуд бўлган қадриятлар мажмуи ҳисобланади [11].

Мактабда коррупцияга қарши таълимнинг барча саъй-ҳаракатлари ўқувчилар учун яхши ва ижобий намуна бўлиши учун мактабдаги коррупцияга қарши муҳит билан қўллаб-қувватланиши керак.

Индонезия мактабларида коррупцияга қарши таълимни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган мақсадларга эришиш учун қуидагиларга эътибор қаратилган [11; Б. 306]:

1. Коррупцияга оид билимлар кучайтирилди. Мактаблардан бошлаб болаларга коррупция ҳақидаги билимлар берилди. Хусусан, болаларга коррупция нима эканлиги, коррупциянинг сабаблари ва унинг оқибатлари, коррупциянинг таъсири қандайлиги, коррупцияга қарши хатти-ҳаракатлар нималардан иборат эканлиги, Коррупцияга қарши миллий стратегия бўйича билимлар берилган. Буларнинг барчаси ўқувчиларда коррупцияга қарши муносабат, характер ва хулқ-атвор стратегияларини шакллантириш мақсадида амалга оширилган.

2. Коррупцияга қарши муносабатларни ўзгартириш. Бунда, таълимнинг барча бўғинларида мактаб қабулидан бошлаб, уни тугатишга бўлган даврда коррупциянинг ахлоқий жиҳатлари бўйича билимлар берилди [9].

Хуроса. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида юқорида таҳлил этилган давлатларда мавжуд бўлган хорижий давлатларнинг айrim ижобий тажрибасни миллий қонунчилигимизга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Швеция ва Япония каби давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда мактабларда бошланғич синфлардан бошлаб мактаб ўқувчиларига юксак ахлоқий таълим бериш тизимини жорий этиш лозим. Мисол учун, Японияда болага тарбия бериш давлат бошланғич ва ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув дастурида “дотоку кеикү”, яъни ахлоқий тарбияни ўргатишга қаратилган аниқ фанлар орқали амалга оширилади.

Швеция тажрибасига асосан мактабларда болаларнинг ёзма ишларини текширишни рақамлаштириш лозим. Бунда, Бунда, идентификация кодлари бериш йўли билан шифрланган ишлар автоматик равишда тегишли педагог ходимларга текшириш учун юборилади. Бу амалиёт мактабларда ёзма ишларни текширишнинг ва уларни баҳолашнинг холислигини таъминлашга хизмат қиласи.

Сингапур тажрибасидан келиб чиқиб, мактаб ва ота-оналар ўртасида фаол ва доимий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва уларни янада мустаҳкамлаш мақсадида “Ота-она ва мактаб ҳамкорлиги” (School-parent partnerships) деб номланган маҳсус дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Индонезия давлати тажрибасига асосан кам таъминланган ва ёрдамга муҳтоҷ оила фарзандлари учун “Ҳалоллик дўкони” (Honesty Shop) ҳамда “Ҳалоллик ошхонаси” (Honesty Canteen) каби бепул ёки арzonлаштирилган дўконлар ва овқатланиш хоналари ташкил этиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мамлакат тараққиёти учун кадрлар тайёрлашда мактаб тизими муҳим ўрин тутишини инобатга оладиган бўлсақ, ҳозирги кундаги Ўзбекистондаги таълим тизимини яхшилаш ҳамда унда коррупциянинг олдини олишда хориж тажрибаларини ўрганиш ва халқаро стандартларга жавоб берадиган тизим яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Chatrina Darul Rosikah dan Dassy Marliani Listianingsih, 2016, Pendidikan Anti Korupsi Teori dan Praktik, Sinar Grafika, Jakarta, page 67-83.
2. Dimmock C., Tan C. Y. Explaining the success of the world's leading education systems: The case of Singapore //British Journal of Educational Studies. – 2016. – Т. 64. – №. 2. – С. 161-184;
3. Dimmock, Clive & Tan, Cheng. (2013). Educational leadership in Singapore: Tight coupling, sustainability, scalability, and succession. Journal of Educational Administration. 51. 10.1108/09578231311311492.
4. Dustmuhammad H. U. Singapore Education System: Become a Leading Brand in World Education // JournalNX. – P.342-345.
5. <https://www.kpk.go.id/id/splash>
6. Khong L. School-parent partnerships in Singapore //Educational Research for Policy and Practice. – 2005. – Т. 4. – Р. 1-11.
7. Kolyshkina S. Corruption Scandals in Japan at the turn of the 20th-21st centuries. // Власть. 2017. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/korruptionnye-skandalы-v-yaponii-na-rubezhe-xx-xxi-vv> (дата обращения: 19.02.2023)
8. Komalasari K., Saripudin D. Integration of anti-corruption education in school's activities //American Journal of Applied Sciences. – 2015. – Т. 12. – №. 6. – С. 445.
9. Maria Montessori, Pendidikan Anti Korupsi Sebagai Pendidikan Karakter di Sekolah, Journal UNP Vol. 7, No. 8 year 2009 acces from ejournal.unp.ac.id/index.php/jd/article/download/2561/2166
10. Mirzaev R.I. Experience of fighting corruption in foreign education systems, which is useful for application in the republic of uzbekistan //annali d'italia Учредители: Global Science Center LP. – 2022. – №. 27. – С. 25-28
11. Musofiana I. Anti-Corruption Education at an Early Age as a Strategic Move to Prevent Corruption in Indonesia // The 2nd Proceeding "Indonesia Clean of Corruption in 2020". – 2017.
12. Web resource platform focused on solving problems of ethics and corruption in education. URL: <https://etico.iiep.unesco.org/en/>;
13. Zukhriddinovich E.D. Anti-corruption strategy of Uzbekistan: foreign and domestic experience //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2022. – Т. 2. – №. 1.8 Political sciences.
14. Гордеев С. Н. Организация розыскной работы правоохранительных органов (зарубежный опыт) // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2016. № 3. С. 141.
15. Коррупцияга қарши курашиш. Дарслик. // Масъул мұхаррир: А.Ш. Бекмуродов: – Тошкент: "Akademiya", 2022. – 316-бет.
16. Сошникова И. Руколеев В. Foreign experience of countering corruption in the higher education system // Философия права. 2020. №4 (95). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-optyt-protivodeystviya-korruptsii-v-sisteme-vysshego-obrazovaniya> (дата обращения: 19.02.2023).

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
18. Ўзбекистоннинг коррупцияга карши кураш стратегияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2021. – Б. 39.
19. Шурыгин Ф. Антикоррупционная политика Королевства Швеция // Ф. Шурыгин. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2018. – № 34 (220). – С.66-69. // <https://moluch.ru/archive/220/52431>.
20. Шурыгин, Ф. Ф. Антикоррупционная политика Японии / Ф. Ф. Шурыгин. – Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2019. – № 30 (268). – С. 92-96. – URL: <https://moluch.ru/archive/268/61774>.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).